



# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

2009 йил, 19 май, СЕШАНБА

**XXI АСР САДОСИ**  
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН  
СЎНГГИ ХАБАРЛАР

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 99 (11.410)

Баҳоси эркин нархда

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик янада ривожланишини рағбатлантиришни кучайтириш, мамлакат иқтисодиётининг барқарор фаолият юритишида унинг ролини ошириш, янги иш жойларини шакллантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, шунингдек, хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ҳамда юритиш учун қўшимча равишда қўлай шарт-шароитлар яратиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2009 йил 1 июндан бошлаб 1-иловага мувофиқ кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш бўйича хизмат кўрсатиш тарифларини пасайтириш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси Молия вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда, бир ой муддатда, бино майдони ўлчамига, унинг неча қаватлиги, ер участкаси майдонига ва унда объектлар мавжудлигига қараб ишларнинг ҳар бир турини бўйича кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш хизматларига белгиланган тартибда қайд этилган тарифларни тасдиқласин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банки, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳамда Давлат табиати муҳофазаси қўмитасининг 2009 йил 1 июндан бошлаб:

тадбиркорлик объектларининг архитектура-режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш қийматини 2-иловага мувофиқ;

тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва jisмоний шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун бож ҳақини — энг кам иш ҳақи миқдорининг 5 баробаридан 2 баробари миқдоригача;

тадбиркорлик субъектлари томонидан банкларда ҳисоб рақамларини очиш учун тўловларни —

энг кам иш ҳақи миқдорининг 1 баробаридан 0,5 баробари миқдоригача, қишлоқ жойларда эса — энг кам иш ҳақининг 0,1 баробари миқдоригача пасайтириш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

3. Белгилансинки, кичик корхона ўз уйларида ишлаётган (қасначилик билан шуғулланаётган) фуқаролар билан, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳодимлар сонининг чекланган нормативидан қўли билан 30 фоиз ошган миқдорда меҳнат шартномалари тўзганда, кичик корхоналар учун назарда тутилган кафолатлар, имтиёзлар ва преференциялар мазкур корхона учун сақланиб қолади.

4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси мунтазам равишда:

жойларда давлат бошқаруви ҳамда давлат ҳокимияти органлари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг қонун ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқларига риоя этилиши мониторингини олиб борилишини таъминласин. Мониторинг натижалари тўғрисидаги маълумотларни, аниқ тақлифлар билан биргаликда Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика мувофиқлаштириш кенгашига ҳар чоракда киритиб борсин;

жойлардаги давлат бошқаруви ҳамда давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорлар ҳуқуқларини поймол этаётган қарорларини тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас (ноқонуний) деб эътироф этиш тўғрисида, шунингдек, жойлардаги давлат бошқаруви ҳамда давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорлар ҳуқуқларини чекловчи қарорлар қабул қилган мансабдор шахсларини жавобгарликка тортиш тўғрисида судларга даъво аризалари киритилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорларида ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритсин.

Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда идоравий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларининг мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2009 йил 15 май

## ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни Янгиликлар, воқеалар



### Қўшма корхоналарда

### РАҚОБАТБАРДОШ ТУРЛАРИ ОРТАДИ

Халқимизнинг фаровонлигини таъминлашда республикамиз иқтисодиётини ривожлантиришга қаратилган кенг қўламли ислохотларнинг муносиб ҳиссасини алоҳида таъкидлаш лозим.

Албатта, иқтисодиётимиз ривожда мустақиллик йилларида хорижий ҳамкорлар билан шерикликда яратилган қўшма корхоналарнинг ҳам ўзига хос аҳамияти борки, бугунги кунда рўстимда чет эллик инвесторларга яратилган қўлайликлар бу борада яшари самара бермоқда. Қўлай инвестицион муҳит туфайли ҳам хорижий ишбилармонлик мамлакатимизга ўз сармоясини киритишмоқда, ҳамкорликда иш юритишмоқда.

Пойтахтимизда бир неча йилдан бунён фаолият кўрсатаётган «Ирригация бўйича бош махсус конструкторлик бюроси» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхонаси ҳам Россиялик шериклар билан ҳамкорликдаги лойиҳанинг ёрқин намоёнидир. Аниқ мақсадни қўлаб ташкил этилган ушбу корхонада йил сайин махсуслотнинг рақобатбардош турларини ишлаб чиқаришга эътибор қаратишмоқда. Бу албатта, тадбиркорлик билан иш юритиш, ички ҳамада ташқи бозорни тинимсиз ўрганиш, маркетинг ишларини яхши йўлга қўйиш натижасидир.

Корхонада малакали мутахассислар жамланганлиги боис бўлса керак, махсуслот турлари ортти, уларга факатгина ички эмас, балки ташқи бозордан ҳам буюртма-

лаз қўлаиб борапти. Цехларда пахтадан қайта ишлаш асосида ишлаб чиқарилаётган ип-калава сифатига эътибор қаратилади. Ана шу хом ашёдан тайёрланаётган махсус қўлқоплар турли соҳа хordимларида қўл келди. Мазкур қўлқоп тилиш цехининг иш бошлаши натижасида ўнлаб ёшлар иш билан таъминланди ва натижада корхона ишчи-хизматчиларининг сафи айни пайтда 270 нафарни ташкил этади. Улар учун яратилган қўлай меҳнат ва яхши дам олиш шароитлари қайфиятларини кўтариш баробарида, сифат ва самардорлигининг орттириш муҳим ҳисса бўлмоқда. Махсус қўлқоп махсуслотларининг бир қисmini экспортга чиқариш мўлжалланган.

Ишлаб чиқаришда хорижий ва маҳаллий хом ашёдан умумли фойдаланаётган тадбиркорлар кейинги йилларда яна бир махсуслотни буюртмачиларга тақдим этади. Бу илғор технологияларни самарали қўллаган ҳолда ишлаб чиқариш йўлга қўйилган алюмин-пластик қувурлардир. 50 йиллик кафолат муддатига эга бўлган ва халқ ҳўжалигининг қўллаб тармоқларида муваффақиятли қўлланилаётган мазкур қувурлар мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги харидорларга шартнома асосида ет-

казиб берилапти. Шуниси эътиборлики, мамлакатимизда бунёдкорлик қўлами қизғин ортаётган бугунги кунда корхона қувурлари уй-жойлар, ишлаб чиқариш корхоналари, мухташам иморатлар қурилишида, сузиш хавзалари, иссиқлик ҳўжалиқларида ҳам ишлатилишмоқда. Мазкур қувур цехи мутахассислари савий-ҳаракати билан бир сме-нада 3,6 километр махсуслот тайёрлашга муваффақ бўлинмоқда. Бу албатта, буюртмачилар эъти-вонини қондиришда муҳим аҳми-ят касб этади. Энг муҳими эса алюмин-пластик қувурлар чидамли ва ўрнатилишга қўлайдир.

Корхона мутасаддиларининг таъкидлашларича, жамoанинг келгусида ривож тадбиркорлик билан ташаббус кўрсатиб меҳнат қилишга, ҳамкорликни мустаҳкамлашга боғлиқ бўлиб, шу боис ҳам бу борадаги ишлар кўнгилдагидек олиб борилапти. Улар замонавий жўҳозларни келтириб ўрнатиш натижасида ишлаб чиқариш янада кенгайтирилиш, қўшимча иш ўринлари яратишни режалаштирмоқда. Бунинг натижасида эса рақобатбардош махсуслот турлари ҳам ортади.

Шарифа ИЛЁСОВА  
СУРАТДА: цехларга ўрнатилган замонавий технологияли линиялар малакали мутахассисларга сифатли махсуслот ишлаб чиқаришда қўл келмоқда.

Ҳакимжон Солиҳов олган сурат

### Янги ижтимоий лойиҳалар

### ФАРЗАНДАРМИЗ ИЖОДИЙ САЛОҲИЯТИ

қўллаб ижодий муассасаларнинг имкониятлари билан уйғунлашган ҳолда 20-21 май кунлари Бобур номидаги истирожат боғида ўтказилган кўргазмада кенг намоиш этилиши кутилмоқда.

Хар бир болада ўзига хос қобилият мўжасам, деган фикрни ҳеч ким инкор қилмайди. Демакки, агарда бундан дарак берувчи илк нишоналарни вақтида, гўдалик чоғида илг-аб, ривожланиши учун йўл очиб берилса у бўлажак истеъдод соҳиби ҳамдир.

Бунда амалий имконият масаласида тўғараклар энг мақбул ва самаралидир.

Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси маълумотига қўра, биргина пойтахтимизда 94 та мактабдан ташқари таълим муассасаси мавжуд бўлиб, айнан шу ерда турли йўналишлар бўйича тўғараклар фаолият юритади. Болақонлар кизиқликларига қўра, уймақорлик, қандақорлик, расмоччилик, ҳаттоки миниатюра сир-асорларини,

тикувчилик, каштачилик, зардўзлик бўлади-ми ёки адабиёт, мусика қўйингки, хаваскор театр артисти кўникмаларини ҳам бепул тарзда моҳир устозлари қўл остида ўрганиб келишмоқда.

Шундай экан, рақамларга қараганда, талаб ҳам анча юқори бўлиши мумкин. Лекин таҳлилларга мурожаат қилсак, бугунги кунда мактаб ўқувчиларининг атиги 25 фоизи бундай таълим муассасаларига қатнашини кўрамыз.

— Қамров масаласида бевосита мактаблар қўшидаги тўғараклар мавжудлигини ҳам унутмаслик керак, — дейди Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ҳўмоюн Акбаров. — Аммо ёзи таътил яқинла-

шиб келаётганини инobatта оладиган бўлсак, уринли савол турлади: хўш, уч ой давомида фарзандларимиз нима билан ва қерда шуғулланади? Бугунги кунда ушбу савол халқ таълими идораларида кенг миқёсда муҳокама қилинаёттир. Усиб келаётган авлодга ғамхўрлик давлат сиёсати даражасида кўрсатилаёттир. Фарзандларимизнинг бўш вақтларини фойдали ўтказиши масаласи маҳаллий ҳокимият, ҳўқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорликда ўз ечимини топмоқда.

Шаҳар воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси ва пойтахт прокуратураси билан биргаликда ишлаб чиқилган янги лойиҳа ота-оналарнинг фарзанд тарбиясига эътиборини кучайтирган ҳолда, ўқувчи ёшларни

тўғаракларга кўпроқ жалб этишга қаратилган. Икки кун давомида ўтказилган кўргазмада истеъдод бобида кўникмаларга эндигина эга бўлаётган фарзандларимиз илк ижодий намуналари билан қатнашибгина қолмай, ўзига хос маҳорат мактабини ҳам намоиш этишлари кутилмоқда.

— Ишончимиз комилки, бу хайрли ишимиз кўпчиликка манзур бўлади, — алоҳида қайд этади Ҳ.Ақбаров. — Ота-оналар бохабар бўлгач, фарзандларининг бирон-бир қўшимча таълим муассасасига қатнашини учун имконият яратиб беришса, асосий мақсадга эришган бўламыз. Таъкидлаш жоизки, кўргазма давомида шу ернинг ўзида ўғил-қизларимиз у ёки бу тўғаракка аъзо бўлишлари мумкин. Тадбирда спорт, мусика мактаблари ҳам қатнашини мўлжалланган. Фурсатдан фойдаланиб, ота-оналарни, ўқувчиларни кўргазмага тақлиф этиб қоламыз.

Яна бир бор эслатиб ўтаним — болақонлар барча тўғаракларга бепул тарзда қатнаб, ўз кизиқликлари бўйича кўникма орттиришлари мумкин. Ильямира ЗАЙНУДИНОВА

### МАМЛАКАТИМИЗДА

• Андижон вилояти Олтинқўл туманида «Беллона миллениум» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси иш бошлади. Ушбу янги корхонада биноларнинг беазаги учун ишлатилган гипскартон махсуслотлари тайёрланмоқда.

• Кўргонтепа тумани «Қамолот» ЁИХ ва туман ҳокимлиги ташаббуси билан «Ёшлар бирлашса — миллат бирлашади» шиори остида фестивал ташкил этилди. Фестивал дўстлик ва қардошлик байрамига айланиб кетди. Миллий руҳдаги айтишувлар, спорт мусобақалари, таомлар танлови, болалар ўйинлари, қардош миллатлар — рус, қирғиз, корейс, татар, тожик ва ўзбек халқларининг миллий кўргазмаси тадбирга кўрқ бағишлади.

• Фарғона вилоятидаги Аҳмад ал-Фарғоний номидаги маданият ва истирожат боғида «Мутахассислик — сенинг келажакинг!» деб номланган ярмарка бўлиб ўтди.

• Бўз туманидаги «Холис-Ҳамкор-Текс» масъулияти чекланган жамиятида янги цех ташкил этилиб, унда трикотаж махсуслотлари кийимларини қайта ишлаш йўлга қўйилди. Корхонада маҳаллий ёшлардан 22 нафари мўқим иш жойига эга бўлди.

• Самарқанд туманида фаолият кўрсатётган «Зулфия» ишлаб-чиқариш фирмасида сифатли спорт жиҳозлари тайёрланмоқда. 20 нафардан зиёд қишлоқ аёллари иш билан таъминланган мазкур корхонада ишлаб чиқарилаётган 27 турдаги спорт жиҳозлари, болалар учун қизиқарли ўйинлар ва ўйинчоқлар тўпламлари харидорларга манзур бўлмоқда.

• Республика тасвирий ва амалий санъат лицей-интернатининг «Истеъдод» дуторчи қизлар ансамбли Симферополда бўлиб ўтган «Синяя птица» Х халқроқ танловида бир йўла тўртта асосий мукофотни қўлга киритиб, ўз истеъдодларини намоиш этишди.

• Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Физика-қўёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг Физика-техника институтида қўёш нури ёрдамида сувни чўчуқлаштириш қурилмасининг синовлари ўтказилди. Кўп босқичли ушбу қурилма марказлашган электр энергияси ва сув таъминоти тизимлари мавжуд бўлмаган ҳудудлар аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш имконини беради.

### ЖАҲОНДА

• Кеча Швейцариянинг Женева шаҳрида Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан А/Н1Н1 вирусига қарши кураш масалаларига бағишланган халқаро анжуман бошланди. Ушбу тадбирда таъкидланганидек, ҳали грипнинг янги турига қарши вакцина топилмаган бўлиб, ҳозирда ушбу хасталикка 40 та мамлакатда 8829 киши қатлиниган, 74 киши эса ҳаётдан кўз юмган.

• Сомали маъмурлари халқроқ ҳамжамиятга мурожаат қилиб, денгиз қароқчиларига қарши курашиш мақсадида қирғоқ кўриқлаш флотини тузиш учун ёрдам сўради.

• Австралия ҳукумати Сомалига шундай мақсадни амалга ошириш учун 2 миллион доллар миқдорида маблағ ажратилган қарор қилди.

• Кеча жаҳоннинг етакчи биржаларида ўтказилган савдолар чоғида нефтнинг нархи бирмунча кўтарилди. Хусусан, Лондонда ўтказилган савдоларда бир баррел нефтнинг нархи 58,47 доллар миқдорида қайд этилган бўлса, Нью-Йорк биржасида бу кўрсаткич 59,03 долларни ташкил этади.

• АҚШнинг «Атлантик» шаттли астронавтлари очик коинотга чиқиб «Хаббл» телескопига ўлчов анжомлари ва батареяларни муваффақиятли тарзда ўрнатиб ўз олдларига қўйилган вазифани ўринли адо этидилар.

• Кеча Москва шаҳри марказида жойлашган «Макдоналдс» ресторанида чиққан ёнгин ўз вақтида бартараф этилганлиги сабабли ҳеч ким жабрланмади.

• Арманистон пойтахти Еревандаги қаучук ишлаб чиқаришга ихтисослашган кимёвий заводда кучли ёнгин чиққан. Ёнгин натижасида уч киши ҳалок бўлган, 20 дан ортик киши тан жароҳатларини олиб касалхоналарга ётқизилган. Ёнгин юзасидан мамлакат ҳуқуқни муҳофазаси қилиш идоралари томонидан жиноий иш очилган.

• Дунё бўйича жорий йилнинг биринчи чорағида ўтган йилнинг охириги чорағига нисбатан ноутбук компьютерларини савдосида камайиш кузатилди. Таҳлилчилар шу даврда ишлаб чиқарилган ноутбукларнинг 45 фоизи Европа, Африка ва Яқин Шарқ мамлакатлари, 26 фоизга яқини эса АҚШ бозорларига киритилганини таъкидлашди.

• Италия маъмурлари мамлакатдаги йирик нарқоборонлардан бири қўлга олинганлигини маълум қилди.

• Германия пойтахти Берлинда минглаб кишилар қўчаларга чиқиб, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози боис юзга келаётган ишсизлик ва қашшоқлашув жараёнининг ўсиб бориши тезроқ бартараф этилишини талаб қилиб, намоиш ўтказдилар. Немис қасаба уюшмалари бирлашмаси ушбу намоишнинг ташкилотчиси бўлди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2009 ЙИЛ 15 МАЙДАГИ «ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ПҚ-1112-СОҢЛИ ҚАРОРИГА ШАРХ

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кўнаридан соғлом мамлакатда иқтисодийнинг гоят муҳим соҳаси бўлиши кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантиришга, хусусий тадбиркорлик ҳуқуқларининг қафолатлари ва ҳимоясининг кучли тизимини яратишга жуда катта эътибор бериб келинмоқда.

Турдаги солиқларни тўлаш ўрнига кичик бизнесни ягона солиқ тўлови шаклидаги соддалаштирилган солиққа тортиш тизими жорий этилди. Бунда микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкалари 2008 йилда 10 фоиздан 8 фоизгача, 2009 йилдан бошлаб эса 7 фоизгача пайсага кўндалди. Янгидан ташкил этилаётган кичик ва хусусий корхоналарни қўллаб-қувватлаш учун имтиёзли кредитлаш тизими яратилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштириш бўйича ихтисослаштирилган банк — «Микрокредитбанк» ташкил этилди. Кичик бизнес субъектларининг айланма маблағларини тўлдириб қўриқиб туришига кредит беришнинг максимал муддати 12 ойдан 18 ойгача оширилди. Тадбиркорлар ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши таъминлаш борасидаги ҳуқуқий нормалар мустаҳкамланди, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқли фаолиятига назорат қилувчи идораларнинг аралашуви-ни кескин қисқартириш чоралари кўрилди.

Жаҳон таъриби си шундан далолат берадики, айна кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик жаҳон молиявий-иқтисодий инкизиригининг салбий оқибатларини бартараф этишда энг самарали восита, аҳоли бандлигини таъминлаш, унинг даромадлари ошиб боришининг гоят муҳим омилли ҳисобланади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик янада ривожланишини таъминлаш, мамлакат иқтисодиётининг барқарор фаолият юртишида унинг ролин ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 15 майдаги «Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1112-сонли қарори қабул қилинди. Қарорда тадбиркорлик субъектлари учун бир қатор муҳим қўшимча имтиёз ва преференциялар жорий этилиши назарда тутилди. Бу ававалдан, 2009 йил 1 июндан бошлаб уй-жой бинолари ва ишоотларнинг ўлчов ш-ларини ўтказиш, техник инвентарлаштириш, паспортлаштириш ҳамда баҳолаш бўйича кадастр ҳужжатларини ишлаб чиқиш, яшабга мўлжалланмаган бинолар ва ишоотлар кадастри учун бичо (иншоот)ни ўрғаниб чиқиш, баҳолаш ҳамда паспортни тузиш ишларининг тарифлари икки баравар пайсага қисқартирилди. Бундан ташқари, топография-геодезия ишлари комплексини амалга ошириш ва кадастр хизматлари томонидан кўрсатиладиган бошқа турдаги хизматлар учун тарифлар 40

фоизга пайсаирилди. Объект қурилиши лойиҳасини ишлаб чиқишда архитектура-режа-лаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш қиймати тадбиркорлик субъектлари учун икки баробар, яъни энг кам иш ҳақининг 20 баробаридан 10 баробари миқдоригача пайсаирилди, муҳандислик коммуникацияларига улаиш лойиҳасини ишлаб чиқиш учун архитектура-режа-лаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш тўловлари бутунлай бекор қилинди. Натига-да, ававал тадбиркор архитектура-режа-лаштириш топшириқларини тайёрлашга жами энг кам иш ҳақининг 40 баробари миқдорига ёки 1,1 млн.сўмдан кўпроқ тўла-ши лозим бўлса, эндиликда, қабул қилинган мазкур қарорга мувофиқ, ушбу сўмма 280400 сўмгача, қишлоқ жойларда эса 140200 сўмгача пайсаирилади. Қабул қилинган қарорга муво-фиқ лойиҳа-смета ҳужжатлари экс-пертизасини ўтказиш қиймати энг кам иш ҳақининг 10 баробаридан 3 баробаригача ёки 3,3 баробарга пайсаирилди. Тадбиркорлик фао-лияти билан шуғулланаётган юри-ди ва ҳисомий шахсларни дав-лат рўйхатида ўтказиш учун тўла-надиган бож миқдори пайсаирил-ди. Банкларда ҳисоб рақамларини очиб тўловлари қамайтирилиб, 28040 сўмдан 14020 сўмга, қишлоқ жойларда эса 2804 сўмга туширил-ди. Экологик экспертизани ўткази-ш учун тўлов ҳақи анча сезилар-ли қисқартирилди, у атроф-муҳит-га зарар келтириш хавф-хатари да-

ражасига қараб табақалаштирилган тартибда белгиланади. Касаначиликни ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитларни яра-тиш аҳоли бандлигини таъминла-шининг муҳим устувор йўналиши ҳисобланади. Мазкур муҳим маса-лани ҳал этишда кичик бизнес иш-тирокни кенгайтириш мақсадида, қабул қилинган қарорда кичик кор-хоналарга ўз уйларида ишлаётган касаначилар билан, қонун ҳужжат-ларига белгиланган ҳодимлар со-нининг муҳим устувор нормативидан қўпи билан 30 фоиз ошган миқ-дорда меҳнат шартномалари тузиш ҳуқуқи берилмоқда. Айна вақтда кичик корхоналар учун назарда ту-тилган қафолатлар, имтиёзлар ва преференциялар сақланиб қол-моқда. Қарорда республика Бош про-кураураси, Монополиядан чиқа-риш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси-га жойлардаги давлат бошқаруви органлари, назорат қилувчи ва ли-цензия берувчи органлар томони-дан тадбиркорлик, айниқса кичик бизнес субъектларининг қонуний ҳуқуқларига риоя этилиши, тадбир-корлик фаолиятини ташкил этиш ҳамда юртиш билан боғлиқ рух-сатномаларни олишда, ушбу маса-лаларни ҳал қилишда бюрократик тўсиқларни вужудга келтирмаслик ва сансалорликларга йўл қўймас-лик устидан қаттиқ назоратни таъ-минлаш топширилди. Ўзбекистон Республикаси Пре-зидентининг қабул қилинган қаро-лида назарда тутилган чора-тад-бирларни амалга ошириш, шубҳа-сиз, кичик бизнесни жадал ривож-лантириш, хусусий тадбиркорлик фаолиятини муваффақиятли ташкил этиш ва юртиш, уларнинг мамла-кат иқтисодиётидаги, ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг гоят муҳим, устувор вазифаларини ҳал этишдаги ролин ошириш учун яна ҳам кўпроқ қўлай шарт-шароитлар-ни яратиш беради.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури — амалда

ЁШЛАР ТАРБИЯСИ ВА МАЪНАВИЯТ

Президентимиз Ислам Каримовнинг «Юскак маънавият — энгилмас куч» асарига халқимиз маънавиятини асраш ва юксалтириш, айниқса ёш авлод қалби ва онини турли зарарли фоялар таъсиридан сақлашда олми ва тадқиқотчилар, ўқитувчилар, ижодкор зиёлиларнинг масъулияти улкан экани алоҳида қайд этилган. Бу жараёнда баркамол авлодни тарбиялаш ишига ҳисса қўшаётган ўқитувчилар, олимпиадаларнинг ҳам ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетига ўтказилган семинарда шулар ҳақида гап борди. Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, «Олимпиа» уюшмаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда олимпиада аёллар, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмиталари раислари, тадқиқотчилар ва талаба-ёшлар иштирок этиди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Парпиев, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вақили (Омбудсман) С.Рашидова, Ўзбекистон Миллий университети ректори Ф.Мухамедов, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф.Абдурахимова, Тошкент давлат иқтисодиёт университети проректори Г.Охунова ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизда ёш авлодга замон талаблари даражасида пухта билим бериш ҳамда ўғил-қизларимизни юксак маънавиятли, те-ран ва соғлом тафаккур соҳиблари этиб тарбиялаш ма-саласи давлатимиз сийосатининг муҳим йўналишларидан бири этиб белгилаганини таъкидлади.

САРАНЖОМ-САРИШТАЛИККА ЭРИШИШ ЙЎЛИДА Бектемир тумани пойтахтнинг энг чекка ҳудудларидан бўлишига қарамасдан сўнги пайтларда бу ердаги маҳалла ва гузарларда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларининг кенг қўламда олиб борилаётганлиги ва саранжом-саришталик, озодаллик катта эътибор қаратилаётганлиги ҳар қандай кишининг эътиборини тортмасдан қолмайди.



Туман ҳудудига олиб борилаётган ана шундай эзгу ишларда ҳудудий «Махсустрас» автокорхонаси жамоасининг ҳам ҳиссаси каттадир. Бугунги кунда мазкур жамоа томонидан тумандаги мавжуд 12 та маҳаллага самарали хизмат кўрсатишмоқда. Автокорхона раҳбари Равшан Ботиркуловнинг таъкидлашича, айна пайтда ҳудудда 18 та кўрикландирилган, 23 та кўрикланмайдиган чикин-

ди йиғиш майдончалари мавжуд бўлиб, 8 та замонавий техника доимий хизматда. — Айниқса, ёз мавсуми яқинлашиши билан иш ҳажимиз янада ортади, — суҳбатимизда қўшилди бўлим бош-лиги Муроджон Маҳма-мов. — Сабаби бундай пайтда майдонларда тўпланган ахлатларни бир кун ҳам ортиқ сақ-лаб бўлмайди. Акс ҳолда у аҳоли ўртасида турли хил хасталикларни келти-

риб чиқариши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳозир ёзги мавсумга пухта ҳозирлик ишлари олиб борилмоқда. — Ширкатимиз ҳудуд-да чикиндиларнинг тўп-ла-ниб қолаётганига кўзим тушмаган, — дейди «Тинчлик идеал сервис» ХУЖШ раиси Владимир Еделев. — Уларнинг ўз вазифаларига сидқидил-дан ёндашаётганидан на-фақат биз, балки маҳал-ламиз ахли ҳам ниҳоятда мамнун.

МАНБАЛАР — ЭНЕРГЕТИКАНИНГ КЕЛАЖАГИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси билан биргаликда ташкил этилган «Қайта тикландиган энергия манбаларидан фойдаланиш — келажакдаги энергетика барқарорлиги гарови» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

XX асрда, айниқса охириги 40 йил мубайнида, инсониятнинг иқтисодиётни ривожлантириш мақсадларида энергетикани истеъмол қилиши анча ошди. Қазиб олинмайдиган ёқилғи турлари — нефть, табиий газ, кўмир ва бошқалар яқин келажакда ҳам жаҳон энергетика балансининг асоси бўлиб қолаверди, қазиб олинган ва ишлатилган сари йилдан-йилга камайиб бораверди. Энергия билан таъминланган вужудга келган анъанавий усуллари шартинда иқтисодиётнинг янада ривожланиши ҳамда аҳоли сони кўпайиб бориши энергетика ресурсларини ишлаш тегилушга қўлайлигига ва шунинг оқибати ўларок, атроф-муҳитга салбий таъсири-ни кўчатишига олиб келмоқда. Олимпиа ва мутахас-сисларнинг фикрича, қузелтаётган ялли ишчи жараён-лари ва бошқа табиат аномалиялари кўп жиҳатдан орга-ниш ёқилғи турларидан фойдаланадиган иссиқлик электр-станциялари, санавот корхоналари ишлатилган ҳосил бу-ладиган газларнинг, шунингдек, ички ёниш двигателлари-дан чиқадиган ишлатилган газларнинг атмосферага чи-қариб ташланиши билан боғлиқ. Ҳолбуки, улеводород хомашисини тежаш ва табиатнинг экологик ҳолатини ях-шилаш қайта тикланадиган муқобил энергия манбалари-дан фаол фойдаланиш йўли билан таъминланиши мум-кин. Мазкур энергия турларининг афзаллиги шундаки, улар улеводород ресурсларини электр токи ишлаб чи-қариш мақсадида шунчаки ёқиб юбориш ўрнига, улар-дан нефть қимёси санавотида фойдаланиш учун бу ре-сурсларни бўшати олиш имконини беради. Мана шу ҳолатларни ҳисобга олганда, қайта тикланадиган энер-гия яқин иштиқболда узок ва бориш кўпин булган туман-ларда жойлашган аҳоли пунктлари учун иқтисодий жи-ҳатдан асосланган, ҳаммабоп ва ишончли энергия ман-баига айланиши мумкин.

Анжуманлар СОҒЛОМ ОИЛА — ЖАМИЯТ НЕГИЗИ

«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси «Маънавият ва маърифат» марказида Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шаҳар филиали ташаббуси билан Республика «Оила» илмий-амалий маркази, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар таянч маскани, Собир Раҳимов туман ФХДБ бўлими билан ҳамкорликда Халқаро Оила кўни муносабати билан «Соғлом оила асослари» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Таҳкам оила қуриш мезон-лари, шунингдек, никоҳдан олдин тиббий кўриқдан ўтишининг аҳамияти, соғлом ота-онадан соғлом фарзанд-лар дунёга келиши ҳақида батафсил тушунча берди-лар. Айтиш жоизки, акса-рият ҳолларда баъзи бир ёшлар тўйдан олдин турли баҳоналар билан тиббий кўриқдан ўтишдан бўйин товлайдилар. Тадбирда бу-нинг салбий оқибатлари натижасида айрим оила-ларнинг бузилиб кетиши ҳоллари учраётганлиги танқид қилинди.

Қизиқарили ва мазмунли ўтган тадбирда талаба-ёшлар ўзларини қизиқтир-ган саволларига мутахас-сислардан тўлиқ жавоб ол-дилар. Тадбир якунида та-лабалар томонидан тайёр-ланган мусиқали чикишлар ва сахна кўринишлари йи-ғиланларга манзур бўлди. Баҳодир ХОЛМАТОВ

Тадбирда Ўзбекистон Миллий университети, Тош-кент Давлат техника уни-верситети, Тошкент Тиббиёт академияси, Тошкент Дав-лат юридик институти та-лаба-ёшлари ҳамда «Ёшлик» талабалар шаҳар-часи «Маънавият ва маъ-рифат» маркази фаоллари иштирок этишди. Анжуман-да Саломатлик ва тиббий статистика институти Тош-кент шаҳар филиали ди-ректору Э.Маракаева, Рес-

публика «Оила» илмий-амалий маркази мутахас-сиси Д.Умарова, Собир Ра-ҳимов туман ФХДБ бўлими бошлиғи З.Абдураулова ва бошқалар «Соғлом оила — жамият негизи», «Соғлом ота ва она — соғлом оила асосчилари» мавзуларида сўзга чиқиб, мустақил ҳаёт оstonасида турган ёшлар-га ёш оилаларда соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиш тамойиллари, оила ва никоҳ масъулияти, мус-

навбатдаги тур уч-рашувлари бошла-нади. Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоа-си ўз майдонида БААнинг «Ал-Ша-баб» команди билан куч синаша-ди. • КЕЧА шахри-мизда мураббий-лар, жамоалар аъзо-лари иштирокида ўтказилган матбуот анжумани ушбу ўйинга ҳар икки ко-манданин тайёр-гарлиги масаласига бағишланди.

Каска сатрларда • КЕЧА Темурийлар тарихи Давлат музейида Халқаро музейлар кўнига бағишланган тадбирда ушбу музейга ташир буюрган бир ярим миллионичи кишига қимматбаҳо совғалар топширилди. • КЕЧА Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сирдарё, Жиззах, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри кен-

Сенатига экскурсия уюштириши ва сенаторлар билан учрашиши. • КЕЧА Ўзбекистон Давлат консерваториясида талабалардан ташкил топган ижодкор ёшлар ўртасида уюштирилган кўрик-танлов голиблари тақдирланди. • БУГУНДАН қитъамаида футбол бўйича Осиё чемпи-онлар лигаси ва Кубоги турнири гуруҳ баҳсларининг

Бугунги кунда банк кредитлари корхоналарнинг капиталлашув даражасини янада ошириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, янги технологияларни таътиқ этиш, инновация лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилмоқда. Жорий йил-нинг 1 апрелига қадар иқтисодиёт-нинг реал секторига ажратилган 7 триллион 89 миллиард сўм ҳажми-даги кредитларнинг асосий қисми ана шу мақсадларга йўналтирилди. Жумладан, йирик акциядорлик ко-мпанияларига қарийб 55 миллиард сўм аниқ мақсадли кредитлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга эса салкам 45 миллиард сўм миқдорига кредит ре-сурслари ажратилди. Экспорт билан шуғулланувчи кор-хоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида жаҳон бозо-

БАНК САРМОЯЛАРИ САМАРАСИ

Пойтахтимизда банклар томонидан иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор фаолиятини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини оширишга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда «Асака» давлат акциядорлик тижорат банки ҳамкор-ликда ўтказган мазкур тадбирда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган Ин-кирозга қарши чоралар дастурига белгиланган вазифаларини ҳаётга таътиқ этиш масалаларига алоҳи-да эътибор қаратилди. Мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ўсишида реал секторга қаратилган эътибор ҳамда банк маблағларининг барча тармоқлар-га иччил жалб этилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Zero, ҳозир банклар ўз ривожланиш стратеги-ясини айнан реал сектордаги ўсиш билан чамбарчас боғламоқда. Улар корпоратив миқозларнинг эришган даражаларини сақлаб қолиш билан бирга, ишлаб чиқаришни кенгай-тириш, рақобатбардош янги мах-сулотлар ишлаб чиқаришга йўнал-тирилган инвестицион лойиҳалар-ни амалга ошириши учун қўлай ша-роит яратиш бермоқда.

Ҳозир ўрта ва узок муддатли кредитларга талаб ортмоқда. Шу боис ҳам банклар кичик бизнесни кре-дитлашга жиддий эътибор қарат-моқда. Жорий йилнинг биринчи чо-рагида тижорат банклари томони-дан кичик бизнес субъектларини ишлаб чиқариш фаолиятини таш-кил этиш ва кенгайтириш учун 356,1 миллиард сўмлик лойиҳалар моли-ялаштирилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 71,8 фоиз кўпдир. Иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва бошқариш механизмларини тако-миллаштириш мақсадида банкрот деб эълон қилинган ишлаб чиқариш корхоналари аукцион савдоларида тижорат банкларига мулк сифати-да сотилмоқда.

Тижорат банклари корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ишла-рини янада жадаллаштириш, замонавий технологияларни кенг жорий этиш, экспортга махсулот чиқара-диган корхоналарнинг ташки бозор-даги рақобатбардошлигини таъ-минлаш, электр энергетикаси ти-зимини модернизациялаш, маҳал-лий ишлаб чиқарувчиларга ҳар то-монлама ёрдам бериш, қишлоқ ин-фратузилмасини ўзгартириш, аҳоли бандлигини оширишга қара-тилган лойиҳаларни молиялашти-ришда фаол иштирок этмоқда.

Сайёра ШОЕВА, ЎЗА МЎХБИРИ

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).



**Гулнора Мансурова фалсафа фанлари доктори, саксондан ортиқ илмий, бадий мақолалар, шунингдек, шеърлар ва таржималар муаллифи.**

фақят қозонолмайдими. Токи ҳаёт эканми, бахтли яшашга ҳаққимиз бор. Хар бир ўтаётган кунимизнинг, ҳаттоки дақиқаларимизнинг ҳам қадрига етмоғимиз, яқинларимизни асраб-авайламоғимиз ва албатта ўз касбимизни севамоғимиз лозим. Биз аёлларнинг бахти эса фарзандларимиз камоли, порлоқ истиқболли, яқинларимизнинг меҳр-муҳаббати, саломатлигида ва оиламиз тинчлигидадир. Мен ўтаётган ҳар бир кунимга шукроналар келтираман. Кимдир нафим тегаяптими, ким учундир изланаяпманми, нимадандир ранжиб, нимадандир руҳланиб ва шодланиб яшайманми, демак умрим лаҳзалари беқор ўтмаяпти. Азизларим, илм ва тафаккур сари интилайлик.

Ҳа, инсон бу дунёда яшар экан, аввало эзгуликка интилади, яхшилик сари қадам ташлайди, ён-атрофдагиларини ҳам шунга қорлайди. Гулнора Мансурова ҳам ҳаёт фалсафасини тўғри тушунган ҳолда ўзининг меҳнатсеварлиги, синчковлиги ва мустақам иродаси билан ҳаётнинг барча қийинчиликларини енгиб, муваффақиятлар қозониб келмоқда. Мақоламиз сўнггида Гулнора опага эзгулик йўлидаги ташлаган ҳар бир қадамнинг сизга фақат яхшилик олиб келсин, умр йўлларингиз мазмунли давом этаверсин дея ният билдириб қоламиз.

Гулнигор САТТОРОВА



**Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди**

● Олиб борилган тадқиқотлардан маълум бўлишича, бугунги болалар тайёр ўйинчоқларни зўр иштиёқ билан яхши кўриб ўйнашар экан. Болалар кутишни ёқтиришмайди, улар кино сингари ҳаммаси тезлик билан юз бериши лозим деб ҳисоблашади. Қачонлардир барчага бирдек ёққан «Лего» конструкторлари охириги ўн йил ичида кўринишини тубдан ўзгартирди. Мисол учун қисмлари анча йириклашди, хаёлан янгилик яратиш учун имконият анча кам. Бу тарафлари билан у ҳозирги болаларга жудаям ёқмоқда.

● Пулларни хурсандчилик билан сарфлаш лозим. Фақатгина шундай йўл билан бахт чўққиларини забт этиш мумкинлигини Сан-Франциско университети олимлари аниқлашди.

Олимлар одамлардаги пул ишлатишнинг бахтлилик даражасини аниқлаш учун махсус сўров ўтказишган. Натижада эса шундай хулосага келишди. Театрда бориш ёки денгизда дам олиш учун сарфланган пул бирор-та буюм харид қилишга нисбатан кўпроқ хурсандчиликка сабабчи экан.

● Америка ҳайвонот боғларидан биридаги қафасдан 37 ёшли Жуди исмли маймун қочиб кетди. У кўшимча хонага кириб олиб, спиртли ичимлик ичишга киришади. Алкоголь жониворнинг миясига ўзгача таъсир қилади. Бунинг оқибатида у полювчи олиб, шиддат билан полларни ювишга тушиб кетади. Унинг тозаланиш севавчанлиги, меҳнатқашлиги ҳайвонот боғи ишчиларини жудаям қувонтирсада, лекин маймунни тинчлантириш учун унга қарата ухлатувчи дори отишга мажбур бўлишади.

Орадан вақт ўтгач бир неча йиллар аввал Жуди уй ҳайвони сифатида оддий уйда яшаган ва ўша ерда тозалаш ишларини ўрганганлиги маълум бўлиб, бу ҳодиса кўпчиликни ҳайрон қолдирди.

● Қуёш нуридан қувват оладиган мобил телефонларни Япониянинг «Шарп» корпорацияси ишлаб чиқара бошлади. Бундай янгича телефон икки соатга етадиган қувватни ўн дақиқада тўплайди. Унинг ажойиб томонларидан яна бири бу намликка чидамлилигидир. Янгича телефоннинг нархи сизга қизиқ бўлса керак-а? У 400-600 АҚШ долларига ёки 40-60 минг иенга баҳоланмоқда. Экспертларнинг фикрича, антика телефондан энг кўп фойдаланувчилар денгизчи ва балиқчилар бўлиши мумкин экан.

● 1964 йилда 17 ёшли Ренди Гарднер оз эмас, кўп эмас — 264 соату 12 дақиқа давомиде ухламай бедор юрган. Унинг эришган ютуғини рўйхатга олишгандан сўнг Ренди ўзини чемпион деб ҳис қилган. Чемпионнинг кейинги ҳолати сизга қизиқ бўлса керак-а? Ренди кетма-кет 15 соат давомиде ухлаган. Албатта уйкусызликнинг ўрнини тўлдириши лозим эди-да!

● Польшалик тадбиркор Даниель Чапиевский томи пастга қараган уй қурди. Бундай антика бино кўплаб сайёҳларнинг эътирофига сабабчи бўлмоқда. Лекин бундай саёҳатлардан сўнг сайёҳлар денгиз касалликлари ва бош айланишдан азият чекаётганларини айтишмоқда. Табиийки, боши оёғига оғаётган кўринишдаги уйда инсон ўзини яна қандай ҳис қилиши мумкин?

● Буэнос-Айресдаги Ла-Плата дарёси бўйида яшаш учун мўлжалланган кўп қаватли уйлари барпо этаётган аргентиналик қурувчилар тасодифан испан галеони қолдиқларига дуч келишган. Аниқланишича, кема қолдиқлари топилган жой тарихда катта порт бўлган. Кейинчалик эса порт тупроқ билан кўмилиб, қирғоқ сув билан ювилиб кетган. Археологларнинг фикрича, ҳарбий кема XVII асрга оид. Бироқ у 400 йиллик тарихга бориб тақалиши мумкин деган тахминлар ҳам йўқ эмас. Шунингдек, археологлар, кема қолдиқларидан алоҳида қимматга эга ҳеч нарса топилмаганини айтишмоқда. Айни вақтда мутахассислар бир неча яхши сақланган замбарак ва зайтун ёғини сақлашда фойдаланилган сопол идишларни топилган муваффақ бўлишган. Буэнос-Айрес мэри Маурисио Макрининг журналистларга берган маълумотида кўра топилма жойи археологлар тадқиқот ишларини давом эттира олишлари учун кўриқланади. Кўп қаватли уй қурилиши эса давом эттирилади.

● АҚШ ва Европа Иттифоқи университетларининг биргаликдаги ўтказган тадқиқотларидан маълум бўлишича, улар организмни ёшартирувчи ва умрни узайтиришга ёрдам берувчи махсулотлар рўйхатини ишлаб чиқаришди. Унга кўра «узоқ умр» кўриш таомнома-сидан қуйидаги махсулотлар ўрин олган. Булар — қора шоколад, чой ва қаҳва, шу билан бирга олма, қора смородина, броккол карами, гилос, помидор, апельсин, анор, ўрик, қизил узум, малина, исмалок, қизил пиёз, кулупнай, нон ёки парчаланган (янчилган, туйиб юмшатишган) ёрмани санаб ўтиш мумкин. Ушбу махсулотлар полифенолга бой бўлиб, шикастланган тўқималарни тиклайди. Гўшт, суг махсулотлари организмга керакли калория, ёғ ва минералларни беришни таъкидлашган. Бундан ташқари сабзавотлар, айниқса, мевалар тўқималарни асровчи ва узайтирувчи хусусиятга эгадир.

**Хамшаҳарларимиз**

**МЕҲНАТ ОРТИДАН КЕЛГАН ШАРАФ**

Қарийб ўттиз йилдан буён ёшларга таълим-тарбия бериб келаётган Гулнора опа билан шўхбатимиз асосан, шеър, таржималар хусусида борди. Камтарин, юзларида табассум жилваланиб турадиган Гулнора опа нафақат ўзбек ва рус тилларида, балки хориз тилларида ҳам мукамал сўзлаша олади. У олий ўқув даргоҳини муваффақиятли тугаллагандан сўнг, даставвал мактабда, кейинчалик ўқув юрларида ёшларга таълим берди. 1991 йилда фалсафа фанлари номзоди илмий ишларига эришгандан сўнг, Тошкент Давлат техника университетида ўзбек тили ва адабиёти кафедрасида бўлим мудири бўлиб иш-

лаш баробарида илмий-назарий конференцияларда фаол иштирок этиб, ҳамкасблари ёрдамида бир қанча ўқув услубий қўлланмалар яратди. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетиде эса фалсафа, маънавият асослари ва жаҳон адабиёти фанларидан талабаларга маърузалар қилди. 1999 йилдан бошлаб эса Тошкент Давлат юридик институтида «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» кафедрасида бўлим мудири сифатида фаолият кўрсатиб, талабаларга ҳам ўзбек, ҳам рус тилларида сабоқ берди. Бу масканда Гулнора Мансурова талабалар учун жуда кўплаб илмий-

методик қўлланмалар яратди. Илмий ишларини давом эттирган ҳолда 2005 йилда «Ўзбекистонда миллий тиллар ривожланиши» мавзусида докторлик диссертациясини муносиб химоя қилиб фалсафа фанлари доктори бўлди. Айни кунларда эса Гулнора Мансурова Губкина номидаги Россия нефть ва газ институтининг Тошкент филиалида талабаларга сабоқ бериб келмоқда. — Ҳаёт фақат шодлигу қувончлардангина иборат эмас, — дейди Гулнора опа биз билан шўхбатда. Умр йўлларида турли хил изтироблар ва машаққатлар ҳам учраб туради. Инсон бирор нарсага интилмасдан, изланмасдан туриб муваф-

**Ёшлар — келажакимиз**

**ИСТИҚБОЛИ ПОРЛОҚ ДИЛФУЗА**

**Бугунги давр ёшларининг қўлга киритаётган муваффақиятлари ҳақида ҳар қанча фахрланиб ёзсак арзийди. Чунки, улар нафақат мамлакатимиз миқёсида, балки чет давлатларда ҳам ўзига хос нуфуз ва ютуқларни қўлга киритиб ватанимиз шарафини юксакларга кўтармоқдалар.**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультети талабаси Дилфуза Жўрақуллова ҳам ана шундай иқтидорли ёшлар сирасига киради. Дилфуза ёш бўлса-да, қўлга киритган ютуқларини санаб адоғига етиш қийин. У 2004 йилда Республика ёш қаламкашларнинг «Нафосат» кўрик-танловида зафар қучган, яна шу йили Республика ёш ижодкорларининг 8-семинарида «Энг юксак бадий маҳорати учун» йўналиши бўйича ғолиб, 2005 йилда «Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Камолот» ЕИҲ ҳамкорлигида ўтказилган «Келажак овози» мега-танловида «Бадий ижод ва публицистика» йўналиши бўйича ғолибликни қўлга киритган. 2006 йилда эса адабиёт йўналиши бўйича Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси бўлди. Изланишлари натижасида 2008 йилда Республика «Камолот» ЕИҲнинг «Камолот» стипендиясига сазовор бўлди ҳамда «Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг «Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури»ни қўлга киритди.

— Дилфуза жуда иқтидорли, изланувчан ва шунинг баробарида келажакка ишонч ва умид билан қарайдиган тиниб-тинчимас талабаларимиздан бири ҳисобланади, — дейди Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори Қаҳрамон Куранбоев. — Президентимиз ғамхўрликлари остида бугунги кунда ёшларимизга жуда кўплаб имкониятлар эшиги очиб берилмоқда. Имкониятлардан унумли фойдаланиш, ўз устида тинмай изланиш, ўқиб, ўрганиш ва меҳнат қилиш, албатта ҳар бир ёшнинг вазифасига киради. Бугунги кунда улар ҳар соҳада улкан ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Биргина Дилфузанинг ўзи бунинг яққол мисолидир. Бизнинг бугунимиз ҳам, эртаимиз ҳам ана шу иқтидорли ёшлардир. Зеро, мамлакатимиз равнақи, тараққиёти ва ривожланишида уларнинг ўзига хос ўрни бор.

Дарҳақиқат, ёшлар камолоти йўлида жуда кўплаб саъй-ҳаракатлар қилинмоқда ва уларнинг натижаси ўлароқ, ёшлар ҳам мақташга арзиғулик ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

Дилфуза Жўрақуллованинг «Атиргул», «Оқ фасл» каби шеърӣ китобларини варақлаганимизда ёшликнинг беғубор ифорларини таратувчи ёниқ мисралари қалбимизга ором бағишлагандек бўлди. Энг эътиборли томони шундаки, у журналистика соҳасида ҳам изланишлар олиб бормоқда. Бугунги кунга унинг 50 дан ортиқ мақолалари республикамизнинг турли нашрларида чоп этилган.

— Мен журналистика соҳасига ҳам кўзга кўринадиган янгиликларни олиб кирсам дейман, — дейди Дилфуза камтарлик билан. Ватанимга, халқимга озгина бўлса ҳам нафим тегса, бу менинг ютуғим бўлади. Устозларимнинг кўрсатмалари ва ёрдамлари билан шундай ютуқларни қўлга киритаяпман. Улардан жуда ҳам миннатдорман. Хали олдинда жуда кўп режалар ва орузлар турибди. Уларга ўз меҳнатим ва изланишим орқали эришсам дейман.

Ҳа, Дилфуза хали ёш, олдинда эса нурли ва истиқболли меҳнатларга бой бўлган шарафли ва машаққатли йўл турибди. Бу ойдин йўлда дадил илдамлашда биз унга оқ йўл тилаб қоламиз.

Гулчехра САТТОР қизи



**Танловлар**

**ҚИЗЛАР АТЛАС КИЙГАНДА**

**Қизларимиз ва аёлларимиз эғнидаги ял-ял товланиб турувчи адрас ва атласдан тикилган либосларни кўрганимизда кўзимиз яшнаб кетади. Негаки миллий ва замонавий усулда тикилган кийимларимиз ўзбекнинг ўзлигини англатиб турувчи асл матолардан тайёрланади. Айни кунларда шаҳримизнинг турли масканларида миллийлигимизни тараннум этувчи қизиқарли тадбирлар ўтказилмоқда.**

Яқинда Тошкент Архитектура-қурилиш институтида Шайхонтоҳур туман хотин-қизлар кўмитаси ва институт ҳамкорлигида «Миллий либослар» мавзусида кўрик-танлов бўлиб ўтди.

Танловда институтнинг Инженер-сервис, Қурилиш бошқаруви, Бино ва иншоотлар қурилиши ҳамда Архитектура факультетларидан беш нафар талаба қизлар иштирок этдилар.

— Ушбу танловни ўтказишимиздан мақсад, — дейди мазкур институтнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори Рихсивой Юсупов, — аёлларимиз ва қизларимиз орасида миллий либосларимизга бўлган эътиборни янада кучайтиришдан иборатдир. Зеро, ҳар бир мамлакатнинг ўзлигини акс эттирувчи миллий либослари маъжуд. Ушбу либослар орқали бутун бир мамлакатнинг ўзлиги акс этиб туради. Биз танлов орқали нафақат миллий либосларимизни, балки миллий кадрият-

ларимиз, аъна, урф-одатларимизга бўлган эътиборни ёшлар оғида янада шакллантира бориб, ушбу аъналарга нисбатан улар қалбида фахр ва иф-



тихор, ҳурмат ва эҳтиром туйғуларини оширишга ҳаракат қилмоқдамиз. Институтимиз микёсида ўтказиладиган барча танлов ва тадбирларимизда, ижоратдир. Зеро, ҳар бир мамлакатнинг ўзлигини акс эттирувчи миллий либослари маъжуд. Ушбу либослар орқали бутун бир мамлакатнинг ўзлиги акс этиб туради. Биз танлов орқали нафақат миллий либосларимизни, балки миллий кадрият-

барча аътирокчиларга ва ҳайъат аъзоларига манзур бўлди. Унда иштирок этаётган ва шартларини бажараётган қизлар ҳар бир чиқишларида миллийлигимиз уфуриб турган гўзал либосларни намойиш қилиш билан бирга шартларга ҳам миллий руҳ бағишлаган ҳолда уларни бажардилар. Айниқса уларнинг ўзбек аёлига хос иболи қарашлари, меҳр ва жозибани билан майин жилмайишлари, адрас, атлас ва бекасавдан тикилган миллий ва замонавий усулдаги либослари барчани мафтун этди. Иштирокчилар ўзларининг ақлу заковати, онг ва тафаккури, иқтидор ва истеъдодидан келиб чиққан ҳолда барча шартларни намунали тарзда бажариб томошабинларда катта таассурот қолдирдилар.

Ҳақамлар ҳайъати аъзолари Инженер-сервис факультети талабаси Лола Рашидовани бир овоздан ғолиб деб топиди. Ғолиб ва совриндорлар муносиб тақдирланди.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: танловдан лаҳзалар

**Оқ қозоннинг юзларига қора чаплиниб кетди. Беш йилдирки ёзаман, юрак димиқиб кетди. Она сизни соғиндим ва ёзавердим тинмай, ёзган номаларим йўлларда қолиб кетди. Кимдир уни ўқиди ва кимдир йиртиб олди, кимдир онасини эслаб хузурига шошилди. Дийдор кўришмоқликка чора топмадим она, сизни эслаган сари юрагим қилар нола.**

**Туйғулар**

**ШИКАСТА ДИЛ НОЛАСИ**

Бугун сизни бир кўрсам, дийдорларингизга тўйсам, кучоғингизга кириб, бағрингизга жим сингсам нима бўлади онажон. Дунё ташвишларини, шодлигу қувончини, кундалик юмушларни барибарисин жамлаб, ортимга олгим келди. Рўзгор деган горни ҳам, севган ишимни ҳам бир чеккага суриб қўйиб, баридан воз кечгим келди. Онажоним шу бугун сизни бир кўргим келди, бағрингизга бош қўйиб бир йиглаб олгим келди.

лаҳза, бир сония, майли энг сўнги бора сизни бир кўргим келди. Нима қилай, мен энди, қайга борай мен энди, юракдаги дардимни кимга айтай мен энди. Дунёлар тор бўлмоқда, сизгамайин бораёпман, сизни эслагим келди, сизни эслагим келди. Дўстим ва душманимни билмайин бораёпман. Кеча ва кундузимни ажрата олмаяпман. Барисин ичга ютиб бағрим кабоб бўлди-ку, соғинчлар силсиласи дилгинми тилди-ку.

бағрига бош қўяман, ҳеч кўрмасин алам деб, Оллоҳга ёлвораман. Армон, алам, айрилиқ шуларга йўлламагин, онажоним руҳингиз кизларимни кўлласин. Биламан ҳеч ким сиздек кўнглимни ололмайди, бир оғиз сўзи билан юрагим ёзолмайди. Бунинг жуда кеч билдим, кеч очилди кўзларим, эрта дедим, кеч дедим ўтиб кетди йилларим. Сиздан ҳол сўрмоқ учун баъзан вақт тополмадим, бисёр эди баҳонам, ўзимдан ортолмадим. Она шундай азизсиз, мўтабар,

меҳрибоним, билганимда қадрингиз ҳозир ўртанармидим.

Онаси бор дўстларим, асранг онажонингиз, кейин армонда қолиб, оғримасин жонингиз. Беминнат, беҳижолат, бебаҳо дўстдир она, бормикан бу дунёда унингдек кўнгли тоза. Ёзиб, ёзиб дилнома-лар сизни эслайвераман, кейин ташвишга ўралиб яна яшайвераман. Шундай ўзимни алдаб, ўзимни юпатаман, ахир ўзим онаман, барига кўникаман.

Гулчехра ДУРДИЕВА

**Гўзаллик оламида ТҮРТ МАСЛАҲАТ**

Баҳор фаслининг илиқ қуёши нурларидан юзингизни эҳтиёт қилинг, бўлмаса тез доғ тушади. Чунки бу фаслда қуёш нурларида ультратрабинафа раанглр кўп бўлади.

Қуёшда юрганда кўз атрофидаги ажинларни кўпайтирмаслик ва кўзни химоя қилиш мақсадида махсус қуёшдан асровчи кўзойнақлар тақинг.

Эрталаб юзингизни муздек сувда чайинг. Ёки муз бўлга билан артинг. Муз юз терисини таранг-лаштиради.

Юзингизда қора тешиқчалар бўлса, уларни озиклантирувчи ниқобдан олдин тозалаш лозим. Юзингизни иссиқ сув бунга бир неча дақиқа тутиб турунг ва истеъ-мол содаси билан артинг.



МАШРИҚЗАМИН — ХИКМАТ БЎСТОНИ ХИКМАТЛАР

Кўз юмуб-очгунча етса ишқ султони агар, Аклу хушу сабр қасрин ер била яқсон қилур.

Сабр қил Феруз, агар қилса жафо бу чархи дун, Сабр қилгоннинг худо мушуқларин осон қилур.

Тама қилма даҳр ичра ҳар дундин, Тамадин борур элга номусу нанг.

Жонга йўқ эрмиштур, эй Феруз, бу олам аро, Лаззат ичра ҳеч неъмат дўстнинг дийдорича.

ФОРОБИЙ

Инсон юксак камолотга эришув йўлида ҳаракат қилганидек, ақлий билишга ҳам ҳаракат қилса, ҳеч шубҳасиз, ўзи интилайтган сўнгги даражадаги бахт-саодатга эришади.

Ҳар бир киши касб-корини мукаммал қилмоғи, яхши тарбия олмоғи ва яхши ҳулқ-атвор, фазилатларга эга бўлмоғи лозим. Одамларга нисбатан уларни бирлаштирувчи бошланғич асос инсонийликдир, шунинг учун ҳам одамлар инсоният туркумига кирганликлари сабабли ўзаро тинчликда яшамоқлари лозим.

Инсон ҳар доим қувноқ, хушқачқак бўлиши ва бахтиёр яшамоғи зарур.

Ҳақиқат тарқатиб кет, бўлса имкон.

Бахтга эришиш мақсадида бирлашган кишилар жамоаси фазилатли жамоадир. Бахтга эришиш мақсадида ўзаро ёрдам берган халқ фазилатли халқдир. Шу тартибда барча халқлар бахтга эришиш учун бир-бирларига ёрдам берсалар, бутун ер юзи фазилатли бўлади.

Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаши, олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди ва уларга эга бўлиши учун инсонлар жамоасига эҳтиёж сезади.

Ҳар кимки илм-ҳикматини ўрганаман деса, уни ёшлигидан бошласин, саломатлиги яхши бўлишига интилинсин, ахлоқ-одобли бўлсин, сўзининг уддасидан чиқсин, ёмон ишлардан сақлансин, хиёнат ва макр-ҳийладан узоқ бўлсин.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Бокс

ФАЙРАТНИНГ ЎН ИККИНЧИ ГАЛАБАСИ

Қозоғистон Республикасида профессионал бокс бўйича уюштирилган рейтинг жанги ҳамюртимиз Файрат Аҳмедовга омад келтирди.

Гап шундаки, бразилиялик чарм қўлқоп устаси Гоззага Лузимар билан рингда куч сынашган Файрат Аҳмедов рақибидан маҳорат бобида устунлик қилди. Аслида кўпчилик мутахассислар жанг олдида бразилиялик боксчининг имкониётларини юқори баҳолашаётган эди. Бироқ, биринчи раунднинг ўзидек Файрат рақибига кетма-кет қучли зарбалар берди ва учрашув мuddатидан аввал ақланди. Хуллас бразилиялик боксчини нокаутга уратган Файрат Аҳмедов рейтинг оқолари сонини янада оширди.

Эслатиб ўтамиз, шу кунгача ҳамюртимиз ўн бир марта жанг ўтказиб, ўн учрашувда галабага эришган, биттасида дураг натижа қайд этган. Қувонарлиси, у кўпгина жангларни мuddатидан аввал, нокаут билан тугатган.

Биз ҳамюртимизга келгуси беллашуларда ҳам фақат галаба ёр бўлишини тилаймиз.

(Ўз мухбиримиз)

Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида «Ўзбекистон музейлари» туркумидан Андижон вилояти адабиёт ва санъат музейи тўпламидан ва Андижон ўлкашунослик музейининг замонавий Андижон расомлари рангасвир асарларидан ташкил этилган кўргазма очилди.

Кўргазмалар

ЎЗБЕКИСТОН МУЗЕЙЛАРИ ТУРКУМИДАН

Айтиш жоизки, Тасвирий санъат галереясида «Ўзбекистон музейлари» туркумида кўргазмалар ўтказиб бориш галерея фаолиятининг аҳамиятли йўналишларидан биридир. Ўтган давр ичида галерея тошкентлик санъат ихлосмандларига Қорақалпоғистон Республикаси Давлат санъат музейи, Самарқанд ва Бухоро музей қўриқхоналари, Фаргона ўлкашунослик музейи, Ўзбекистон Давлат Санъат музейи, Ўзбекистон Давлат тарих музейи тўпламларидан қатор кўргазмалар намойиш этди. Бу каби кўргазмаларни ташкил этишдан мақсад, нафақат пойтахтимиз санъат муҳлисларини республикамизнинг тарихий ва маданий бойлиги билан таништириш, балки музейларни илмий, этнографик ва маданий кадр-қимматини намойён этган ҳолатда ташвиқот қилишдан иборатдир.

Андижон вилояти адабиёт ва санъат музейи республикамизда энг ёш музейларидан саналади. У 1989 йил 1 сентябрда ўлкашунослик музейининг бир бўлими сифатида ташкил этилган. Ҳозирда мазкур музейнинг бешта бўлими ўз экспозициялари билан шаҳарнинг турли тарихий меъморий ёдгорликларидан фаолият юритиб келмоқда. Айтиш жоизки, музейнинг бадиий захиралари ҳозирда 278 та рангасвир, 507 та графика, 28 та ҳайкалтарошлик намуналари, 1190 та халқ амалий-безак санъати асарларига эга. Тўпламда республикамизда машҳур муаллифлар, жумладан Ҳ.Тансиқбоев, Н.Қарахан, Ч.Аҳмаров, А.Абдуллаев, Ю.Зильберман, А.Мирзаев каби кўплаб истеъдодли расомларнинг асарлари ўрин олган. Бундан ташқари мазкур кўргазмада Андижон ўлкашунослик музейи томонидан тақ-



дим этилган Андижоннинг замонавий расомлари, жумладан Н.Халиков, О.Бакиров, У.Болтабоев, Ш.Тешабоев, Н.Қазиев, А.Сайбархановларнинг асарлари ҳам намойиш этилмоқда.

Ушбу кўргазма 14 июнгача давом этади. Дилором ИКРОМОВА СУРАТДА: кўргазмадан лавҳа. Алексей Попов олган сурат

Баҳорий неъматлар

... БАРГИ ЧАНДОН ФОЙДАЛИ

Ўлкамиз шифобахш ўсимликлар маскани эканлигидан фахрлансак арзийди. Қуёш неъматини деб ном олган узумнинг хосияти чексизлиги эса кўпчиликка маълум. Уни баъзан «Қон озуғи — жон озуғи» деб таърифлайдилар.

Узум барги шифобахшлик бобида дурдона ҳисобланадиган узум хислатларидан ҳам устун туради. Ток меваси ва унинг барглари хосиятлари тўғрисида табобат соломасида ўз ўрнини топган Плиний, Жолинус ҳажим, Абу Али ибн Синолар қимматли маълумотлар қолдирганлар. Жумладан, ҳажиму ҳозик ибн Сино ўзининг шоҳ асари «Тиб қонунлари»да ток барги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. Чунонки, ток барги қўз шамоллаши, меъда ва кулоқ касалликларини даволашда ижобий натижа беради, деб таърифлайди буюк табиб.

Халқ табобати амалиётида токнинг сархил барг шираси қўзни равшанлаштирувчи беозор омил

сифатида истеъмол этилади. Бу борада мурғак ток барглари совуқ сувда димлаб, шарбатидан ичиш озарбойжонликларнинг сеvimли воситаси ҳисобланади. Уларда ток баргидан тайёрланган дамламалар бод хасталигига даво ҳисобланади.

Бизда баҳор кезлари энг тотли таомлардан саналадиган ток оши ва тоқли дўлмалар алоҳида таҳсинга моликлиги билан қадрланади. Шунингдек, ток барги асосли турфа қўринишдаги шўраки кўнгли очар озуқалар (салат) саломатлик учун фойдалилиги билан ажралиб туради. Табиатушнос олимларимизнинг келтирган маълумотларига қараганда, ток барглари одам аъзоларидан шовул ачилини

чиқариб ташлаш хусусиятига эга. Бу хусусият эса оғир дардлардан ҳисобланмиш никроз (подагра) хасталигига даволик қилади. Бунинг учун токнинг сархил барглари ёки унинг қуритилгандан ҳам фойдаланиш мумкин. Бир ош қошиқ миқдорда ток барглари олинмиш 1 стакан сув билан чорак соат давомида қайнатилади. Қайнатмадан ярим стакандан кунига 3-4 маҳал истеъмол этилади.

Хафакон касаллигида токнинг мурғак барг ва новдалари асосида 1:10 га нисбатда дамлама тайёрланиб, мазкур дамламадан ярим пийёладан кунига 3-4 маҳал ичилиши тавсия этилади.

Ток баргларида тайёрланган дамлама билан

оғиз ва томоқ фарғара қилинадиган бўлса, муртақ безларининг яллиғланишидан ҳоли бўлиш мумкин.

Халқ табобатида ток барглари шундан далолат берадики, ток барги таркибиде киши ҳаёти учун зарур омиллар — гликозидлар, инозит, кверцетин, холин, органик ациллар (олма, узум, протокатехин), салмоқли микдорда қанд, аминокислоталар, каротин, С.Р белгилли дармондорилар мавжуд.

Тахлиллар шундан далолат берадики, ток барги таркибиде киши ҳаёти учун зарур омиллар — гликозидлар, инозит, кверцетин, холин, органик ациллар (олма, узум, протокатехин), салмоқли микдорда қанд, аминокислоталар, каротин, С.Р белгилли дармондорилар мавжуд.

Дано ХҲАЕВА, олий тоифали дорисўноқ

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий соҳа объектларини қуриш ишлари аҳоли турмуш шароитини тубдан яхшилашга қаратилган узоқ мuddатли комплекс чора-тадбирларнинг муҳим таркибий қисмидир. Қурилиш жараёнини тезлаштирувчи индустриал ҳамда йиғма технологияларнинг жорий қилиниши ижтимоий инфратузилманинг ривожланишига кўмаклашмоқда.

ЙИГМА СПОРТ ЗАЛЛАРИ

«Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюшмасининг пойтахтимиздаги «Енгил металл қурилмалари заводи» очик акциядорлик жамиятида йиғма спорт иншоотларини қуришда енгил металлоконструкциялар ва «сэндвич» деворбоп панелларини қўллаш усулидан фойдаланилмоқда.

Маълумотларга кўра, «Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ» очик акциядорлик жамияти лойиҳачилари томонидан икки хил — кичик ва катта ҳажмдаги ана шундай спорт заллари лойиҳалари ишлаб чиқилди. Кичик ҳажмдаги спорт залини монтаж қилиш учун ўрта ҳисобда бир ой вақт кетади. У маҳаллий қурилиш материаллари бўлмаган, асосан ноқулай тоғ шароити ёки қумли жойлар учун мўлжалланган.

Йилига 3 минг тонна йиғма металлоконструкция, 20 минг тонна рух югуртирилган пўлат тўшама ва 250 минг квадрат метргача полиуретандан тайёрланган иситгичли деворбоп панел ишлаб чиқариш қувватига эга корхонага Италиядан келтирилган энг янги ускуналар ўрнатилган. Ҳозирги кунда 250 киши ишлаётган жамоа йилига 7-8 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаради.

«Ўзмонтажмахсусқурилиш» уюшмаси маълумотларига кўра, ушбу ҳўжалик бирлашмасининг корхона ва ташкилотлари ижтимоий инфратузилманинг ривожланишига катта ҳисса қўшмоқда. Сўнгги йилларда улар академик лицейлар, коллеж, умумтаълим мактаблари, мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги болалар спорт объектлари қурилишида фаол иштирок этмоқда.

В.РУДАКОВА, ЎЗА мухбири

Қонун барчага баробар

БИЛМАЙИН БОСДИМ ТИКАННИ...

Қонунни билмаслик жавобгарликдан озод қилмайди. Қонунни билишга ҳаракат қилиш эса ҳар бир инсоннинг фуқаролик бурчидир. Баъзан орамизда қонунни бузишга бузиб, сўнгра пушаймон бўлганларни учратамиз...

2009 йил 9 январь кунини «Ипак йўли» банки Яққасарой филиали валюта айирбошлаш шохбосчаси ёнида 1973 йил Тошкент шаҳрида турилган Аҳмад Ерназаров ва 1977 йилда таваллуд топган Абдувоҳид Алимовлар пайдо бўлишди. Улар аввалдан келишиб қўйганидек, «Ипак йўли» банки Яққасарой филиали «Бобур» минибанкидан 5000 АҚШ долларини ноқонуний равишда сотиб олишди. Гап шундаки, Аҳмад Ерназаров ўзининг фуқаролик паспорти ИИБ паспорт бўлимида эканлиги сабабли Абдувоҳид Алимовни 10 000 сўм эвазига пул

олиб беришга кўндиради. Алимов эса соддалик қилиб, арзиманган пул эвазига қонунни бузаётганидан беҳабар эди.

Натижада, шериклар 7 015 000 сўм эвазига 5000 АҚШ долларини харид қилиб, жуфтаникни ростлаб қолишаётган бир пайтда Республика Бош прокуратура қўшидаги СВОЖДЛКҚ Департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси ходимлари томонидан ушундан ҳамда 5000 АҚШ долларини ва 10 000 сўм пул ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Суд мажлисида судланувчилар Ер-

назаров ва Алимов айбларига тўла иқроз бўлиб, қилмишларидан пушаймон эканликларини билдиришди. Бироқ жиноят жазосиз қолмайди. Қонунбузарлар Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбдор деб топилди, уларга катта миқдордаги жазо жазоси тайинланди.

Валихўжа НАРХОДЖАЕВ, Бош прокуратура хузуридаги СВОЖДЛКҚ Департаменти Тошкент шаҳар Бошқармаси ВОЖАБЭОО бўлими катта инспектори

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

2009 йил 1 майдан бошлаб «Ўзбек давлат цирки» Республика бирлашмаси Тошкент Давлат цирки. Илк бор! Бизда меҳмонда! МАЙ ОЙИДАГИ МОСКВА. Халқаро театрлаштирилган цирк шоуси Москва ва Ҳамдўстлик мамлакатлари артистлари, шунингдек, «Кийишқ ойна» театрининг юлдузи ОБИД АСОМОВ Шошилини!

Математика-физика, кимё-биология фанларига ихтисослаштирилган 300-сонли давлат умумтаълим мактаби 2009-2010 ўқув йили учун 2- ва 5-синфларга (ўзбек ва рус тилида) ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ. Кириш синовларида қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилиши керак: Директор номига ариза Баҳолар табели (нусхаси) Туғилганлик тўғрисида маълумотнома (нусхаси) Тиббий маълумотнома 086 Турар жойидан маълумотнома Ота-онаси иш жойидан маълумотнома, паспорт нусхаси Сурат 3х4 (6 дона) 1 та файл папка

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» Эълонлар қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси жамоаси Ўзбекистон Республикасида хизмат курсатган журналист, меҳнат фахрийси, «Пойтахт транспорт» газетаси бош муҳаррири ўринбосари ФАТТОХ АБДУРАХИМОВНИНГ вафот этганилиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ҳамда ақунларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЛИГИ Буюртма Г-406.

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563 ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилган. 3752 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарқ» нашрийт-матбос акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-ўй. 15 6